



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 25 октябрь, № 221 (7451)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУГУНГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ЭЛ-ЮРТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечириди.

Кейинги йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш, унинг янги йўналишларини ишга тушириш ва йўловчиларга янада қўлайликлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар транспорт тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, метрополитен аҳолига пойтахтнинг исталган ҳудудига тез ва хавфсиз етиб олиш имконини беради. Бундан ташқари, барча метро йўналишларида бепул Wi-Fi ишламоқда, келаси йилдан Тошкент метрополитенида мобил алоқа тизимини йўлга қўйиш режалаштирилган. Буларнинг барчаси метрода йўловчи таъминоти кўламини бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу жамоат транспорти хизматидан кунига 240 минг йўловчи фойдаланса, жами 21 километрдан иборат учта янги — Юнусобод, Сергели ва Кўйлик йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 мингдан зиёд кишилар қамраб олинади. Бу аҳолига катта қўлайлик яратиш баробарида, кўчалардаги тирбандлиқни бартараф етиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Президентимизнинг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ, барпо этилаётган метрополитеннинг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиради.

Иншоотнинг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, қурилиш бошланганидан буён 67,5 миллион долларлик иш бажарилган. “Шахристон” бекатида қарийб 3 километр йўл тортилиб, иккита янги — “Юнусобод” ва “Туркистон” станция-

лари қурилган. Туннелнинг ўнг қисми тўлиқ бурғиланиб, темир-бетон билан мустаҳкамланган. Чап туннелни бурғилаш, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини кўчириш тез кунларда аяқланади. Янги метро бекатларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари “Туркистон” бекатида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, қурилиш сифати ва йўловчилар учун қўлайлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Бу бунёдкорлик ишлари халқимизга бўлган юксак эҳтиромимиз ифодасидир. Шу боис, энг муҳими, сифатга эътибор қаратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қурилиш ишларига Германия технологияси ва мутахассислари жалб этилган. Сифат ва хавфсизлик ҳам Германия стандартларига мувофиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ўтган йилги ташрифи чоғида метрополитен ва автобус қатновларини оптималлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Хисоб-китобларга кўра, мазкур босқичнинг ишга туширилиши натижасида Юнусобод туманида қатнайдиган автобуслар сони ва масофаси анча қисқариб, кунига 5,5 тонна ёқилғи иқтисод қилинади. Йўловчиларнинг манзилига етиб олиши 20 дақиқага тезлашади.

Шу ерда “Буюк Ипак йўли” метро бекатидан “Тошкент трактор заводи” автошохбекатига бўлган янги йўналиш, Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Президент Чилонзор туманидаги “Ориент керамика” масъулият чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ком-

плекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда экспортга йўналтирилган янги турдаги рақобатбардор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу эса маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил Чилонзор туманига ташрифи доирасида “Ориент керамика” корхонаси лойиҳаси билан танишган, уни ўз вақтида ва сифатли аяқлаш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг корхонага Чилонзор тумани ҳудудидан 3,6 гектар жой ажратилди. Ўтган вақт мобайнида замонавий корхона биноси қад ростлаб, хориждан керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Жорий йил июль ойида фаолият бошлаган корхонанинг умумий қиймати қарийб 14 миллион доллар бўлиб, йилига 3,6 миллион квадрат метр керамика маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 270 ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, корхона маҳсулотлари деярли 100 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган. Шу боис бу ерда тайёрланаётган кафеллар хорижикидан бир неча баробар арзон нархларда ички бозорга чиқаришмоқда.

Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 30 фоизи Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Ўтган ойларда 500 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилган.

Президентимизга “Ориент керамика” МЧЖ томонидан 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган лойиҳа ҳақида ҳам маълумот берилди. Умумий қиймати 25 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида йилига 7,3 миллион квадрат метр импорт ўрнини босувчи керамогранит кафеллар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу маҳсулотлардан, асосан, бино ва иншоотларнинг ташқи қисмини безашда фойдаланилади. Корхона ишга туширилган, яна 700 та янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган ушбу лойиҳа натижасида 120х60, 90х30, 80х40, 80х80 ўлчамдаги замонавий кафеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда ана шундай маҳсулотлар мамлакатимизга тўлиқ импорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу жамият негизида барча вилоятларда кичик корхоналар ташкил этиш, логистикага қўлай жойлар ажратиб, уларни керамика маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кластер тизимида ишлатиш, маҳсулот турини кўпайтириб, нархини тушириш эвазига экспорт ҳажмини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор тумани Жануби-Ғарбий саноат ҳудудига амалга оширилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, 313 гектар майдонда ташкил қилинган 256 корхонада 9600 дан зиёд иш ўринлари яратилган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИГА 70 ЙИЛ

Олмалик шахрида 24 октябрь куни “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ташкил этилганининг 70 йиллик санаси кенг нишонланди.

Асосий байрам тадбири комбинатнинг “Металлург” маданият саройида бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда ҳукумат, турли вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари раҳбарлари, комбинатнинг хорижлик ҳамкорлари, жамият ишчи-ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президентимизнинг Олмалик кон-металлургия комбинати жамоасига йўللган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

А. Арипов ўқиб эшиттирди. Олмалик кон-металлургия комбинати мис-молибден, полиметалл, олтун таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки жаҳондаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда корхона ва унинг Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги таркибий бўлимларида 35 мингдан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётди.



«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг етакчиси — Олмалик кон-металлургия комбинати ташкил топганининг кулуг 70 йиллик санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Комбинат тарихи республикаимизда рангли, нодир ва қимматбаҳо металлари қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга қаратилган мутлақо янги тармоқнинг яратилиши ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва замонавий Олмалик шахрининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Бу тарих замирида шонли анъаналарни муносиб давом эттираётган, бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб кўрени ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб одамларнинг жуда катта машаққатли хизматлари мужассам.

Корхонанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликлари кенг қўламда ўзлаштиришга йўл очиб берди.

Сизларга маълумки, бугунги кунда юртимиз тараққиётининг янги босқичида биз саноат ва иқтисодий салоҳиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Комбинат нисолида оладиган бўлсак, бу борада ўтган йили қабул қилинган “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор корхона фаолияти учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ушбу улкан мажмуанин кўп миллатли ва ахил жамоаси республикаимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётганини барчамиз яхши биламиз ва чексиз қадраймиз.

Хен шубҳасиз, Ватанимизнинг куч-қудрати ўсишида, Ўзбекистонда қазиб олинаётган қимматбаҳо ва рангли металлнинг юксак сифати бутун дунёда алоҳида эътироф этилишида иқтисодиётимизнинг локомитиви ҳисобланган комбинатнинг 35 минглик жамоаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металл энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда, харидорғир маҳсулотлар ҳажми оширилиб, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда.

Жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида комбинатнинг узоқ муддатли модернизация дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани, айниқса, эътиборга лойик, Хусусан, “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида барпо этилган Ангрен қурув заводи, Жиззах вилоятида цемент заводи фойдаланишга топширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Меҳнат шухрати»
ордени билан

Ашурматов Ғани Тухтаматович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси Пирмироб шахтаси лаҳим ўтувчиси

Исаков Махамдамин Мамадуларович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси директори

Князькин Михаил Николаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи механика-йўғув цехи саяқалловчиси

Мирахмедов Хасан Тургинович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси директори

Рахманов Музафтор Абдикаримович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2018-2019 йиллар мобайнида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, хўнарандчилик, касаначилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳолининг, айниқса, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг маълум бир миқдорда иқтисодий ҳолати яхшиланишига кўмак бўлди.

Шу билан бирга, кичик бизнес, оилавий

тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббуслари бўйича дастурларни молиявий қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат иштирокидаги тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш ва банк хизматларининг оммабоплигини ошириш орқали аҳолининг кенг қатламлари, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектлари билан тулақонли шерикчилик муносабатларини ўрнатиш талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Седов Сергей Анатольевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси шарқий карьери экскаватор машинисти

Сидиков Равшан Мирзабекович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси директори

Усманова Саяра Душабаевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси бойитиш маҳсулоти назоратчиси

Холбаев Мирзадулла Жангилевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи катодчиси

Хусин Вагиз Кадимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи электролит цехи эритувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Абдулаева Ленура Решатовна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг портловчи материаллар заводи етакчи муҳандис-технологи

Абдулхаметов Аҳмаджон Абдумажитович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси директори

Азимов Тўғрунбек Ибрагимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи темирчилик-пайвандлаш цехи чилангари

Байматов Абдумажит Ниязович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси Кўчбулоқ шахтаси машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИХАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги дастурларда давлат ресурсларидан тақомилна фойдаланиш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5242-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5325-сон ва 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–3680-сон, 2018 йил 7 июндаги “Хар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ–3777-сон, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3856-сон ва 2019 йил 7 мартдаги “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4231-сон қарорлари билан республикада **кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши ривожлантириш, аёللар учун имкониятларни ошириш ва ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари** (кейинги ўринларда Дастурлар) амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлаш **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича устувор равишда АТ Халқ банки, “Микрокредитбанк” АТБ ва “Агробанк” АТБ** (кейинги ўринларда — ваколатли банklar) **орқали амалга оширилад**и;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қумаклашиш давлат жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш худудий жамғармалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғармалар) ва бошқа жамғармалар ҳисобидан **кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёш авлод ташаббусларига ваколатли банklar** томонидан ажратилган кредитлар бўйича **фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация ва субсидиялар беришга рұхсат этилади**;

Дастурларни молиялаштириш учун ресурслар ажратадиган Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Жамғармалар ресурсларининг **2020 — 2022 йилларда сўндириллаган қисми ҳар ойда ваколатли банklarга Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади, бунда ресурслар бўйича фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасидан 4 фоиз паст қилиб белгиланади.**

3. Куйидагилар:

Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни 2020 йилда марказлашган ресурслар ҳисобидан молиялаштиришнинг мақсадли параметрлари 1-иловага;

2020 йилда ваколатли банklar томонидан Дастурлар доирасидаги лойиҳаларни кредитлашнинг мақсадли параметрлари 2, 2a, 2b, 2в-илловаларга;

Давлат дастурлари доирасида ажратилган кредит линиялари 2020 — 2022 йилларда қайтариш прогнози 3-иловага мувофиқ маълумлансин.

4. Ваколатли банklar кузатув кенгашлари икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

барча худудларда **“банк хизматлари офислари”нинг кенг тармоғини яратиш**, бунда зарур ҳолларда, мавжуд филиаллар тармоғи тузилмасини қайта қўриб чиқиш;

ахборот технологияларини қўллаш орқали **янги банк хизматлари ҳамда “модулли” кредитлаш асосида янги кредит турларини** фаол жорий қилиш;

кичик бизнес ва аҳолининг **тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришга тўқсинлик қилувчи долзарб молиявий муаммоларни ҳал қилиш** қисми бўйича худудларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари билан ҳамкорлик қилиш;

банklar Кенгашлари таркибига банklarнинг бошқаруви томонидан тақдим этилган ахборот ва тақлифларни амалий баҳс ва мунозара қилишга қодир **мустақил аъзоларни сэйлаш орқали корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва самарадорлигини ошириш;**

коррупцияни бартараф этишга қаратилган мафбаатлар тўқнашувининг олдини олувчи ва тартибга солувчи сёйсётани амалга ошириш, тижорат банklarининг бошқарув аъзолари ва ходимлари томонидан риюа этилиши мажбурий бўлган ахлоқий қоидаларни такомиллаштириш;

банк ички мониторинг тизимини жорий қилиш орқали **банklarнинг “мижозга йўналтирилганлик” иш услубини янада кучайтириш**, мијозларга хизмат кўрсатишда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2019 йил 1 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармони доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун АТ Халқ банки устав капиталини **250 миллиард сўмга, “Микрокредитбанк” АТБ устав капиталини 170 миллиард сўмга** ва “Агробанк” АТБ устав капиталини **290 миллиард сўмга** ошириш учун маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда ажратилган ресурслар доирасида ваколатли банklar молиялаштирадиган **ёшлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини шакллантирсин.**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банklари билан биргаликда ҳар бир туман кесимида Дастурлар доирасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва кредитнинг қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва туманлар Кенгашларига ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосарининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари биринчи ўринбосарларининг Дастурларни амалга ошириш самарадорлиги борасидаги ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 24 октябрь

«Шухрат» медали билан

Абдукадиров Илхом Азимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдириш цехи куйдирувчиси

Анаров Ширали Ахмедович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ковулди кони шахта усти участкаси бошлиғи

Байсупов Камолитдин Турсуналиевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

Жуманазаров Баходир Иркинович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

Имомов Зоҳиджон Шарифович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

Касимов Сирахиддин Нематович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи қуйиш цехи пўлат эритувчиси

Касимов Хамра Авалбаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

Колдакова Юлия Юрьевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Металлург» маданият саройи халқ жамоаси балетмейстери

Қамбаров Абдуқодир Мукимжонович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси устки қатламни очиш карьери бургилаш қурилмаси машинисти

БУГУНГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ЭЛ-ЮРТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шавкат Мирзиёев ҳар бир лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйи-ча аниқ вазифаларни белгилаб берди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядор-лик жамияти буюртмаси ва “Боштранс-лойиҳа” акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида “Кўприк қурилиш трести” унитар корхонаси томонидан барпо этилаётган Тошкент метрополитенининг Сергели метро йўналишида қурилиш ишлари авжида.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналиш-да олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Лойиҳа доирасида узунлиги 7,1 кило-метр бўлган метрополитен линияси ва 6 та бекат қурилиш белгиланган. Обьект қурилишга 82,6 миллион доллар маблағ сарфланади.

2017 — 2020 йилларда қуриб биткази-лиши режалаштирилган лойиҳа бошлан-гандан буён 42,44 миллион долларлик иш бажарилган. Айни пайтда “Чоштепа”, “Тошкент ҳалқа йўли”, “Сергели”, “Афро-сиёб”, “Қипчоқ” ва “Чинор” каби 6 та бекатда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Жумладан, “Тошкент ҳалқа йўли” бекатида ташқи фасадни мрамар билан қоплаш, электр ёритиш ва ташқи безак ишлари яқунланган. Платформа тўсинла-рини монтаж қилиш ишлари тугалланган. Бекатнинг йўловчи платформаси металл конструкцияларини ўрнатиш ишлари бош-ланган.

“Сергели” бекатида пойдевор қуйиш, котлован қазих, гишт териш ва эскалатор пойдеворини қуйиш ишлари тўлиқ якунига

етказилган. Қолган бекатларда ҳам бун-дай ишлар сифатли амалга оширилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ма-зкур метро линиясининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ҳам бугунги кунгича қўлланилмаган бутунлай янгича эстакада усулида бунёд этилмоқда. Бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсади-да махсус лифт ва эскалаторлар ўрнати-лади.

Президентимизга метро йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сергели йўналиши Чилонзор линияси-нинг “Олмазор” бекатига уланади. Шу та-риқа аҳоли кўп яшайдиган Сергели тума-ни шаҳар маркази ва бошқа туманлар би-лан яна бир восита орқали боғланади. Жумладан, Сергелидан метрога ўтирган йўловчи “Буюк Ипак йўли” бекатигача бошқа линияга ўтмасдан етиб олиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Сергели йўнали-шининг Чилонзор йўналишидаги “Олма-зор” бекатига боғланадиган қисмида амал-га оширилган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Сергели туманининг ривожланиб бора-ётгани, кўп қаватли янги уйлар қурилаёт-гани нуктаи назаридан бу метро йўнали-ши улкан аҳамиятга эга эканини таъкид-лади. Йўловчиларнинг метрополитенгача етиб олиши ва метрода ҳаракатланиши учун яратиладиган шароитлар билан қизиқди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига таширф буюриб, ер усти халқа метроси-нинг қурилиши билан ҳам танишди.

вазири А. Арипов тантанали топишрди.

— Бу кун мен учун чинакам қўшалоқ байрам сифатида бир умрга унутилмас бўлиб қолди, — деди комбинатнинг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фаб-рикаси реагент қорувчиси Муаззам Шаропова. — Давлатимиз раҳбари мендек



Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

оддий бир реагент қорувчиси меҳнатини эътироф этиб, “Шухрат” медали билан тақдир-лади. Бу юксак мукофот нафа-қат мен, балки бутун сурхон-дарёлик қончилар меҳнатининг юксак эътирофи, ўш навбатиди, бизга билдирилган ишонч ҳамда масъулиятдир. Бундай юксак сараф учун Президентимиздан чекисиз миннатдорман.

Яқин йилларда комбинат хом

100 миллион тоннагача оши-риш, катодли мис ишлаб чиқаришни 106 минг тоннадан 250 минг тоннагача, рух мета-ли ишлаб чиқаришни 68 минг тоннадан 120 минг тоннагача, аффинажланган олтинни 14,6 тоннадан 30 тоннагача, аффинажланган қумушни 98,6 тоннадан 215 тоннагача етказиш режалаштирилмоқда.

— Сўнгги йилларда комби-

Мальцева Аида Викторовна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли 22-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Рустамов Отабек Илхамжанович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ковулди кони бошлиғи

Сафаров Рустам Султанович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг sanoat темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти

Топплов Абдумалик Абдуқаюмович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «КамАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

Умуразаков Баҳоуддин Каримович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг sanoat сув таъминоти цехи электр таъмирловчиси

Урунбаев Музаффар Ибодуллаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси таъмирловчи-чилангари

Хошимов Боҳодир Алимович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси тегирмон машинисти

Шарапова Муаззам Рамазонавна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фабрикаси реагент қорувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 23 октябрь

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗА мухбири.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Қонунчилик палатаси: ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР ХАЛҚИМИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамаси билан бошланди. Қайд этилганидек, қасаба уюшмалари — мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири. 14 та соҳавий қасаба уюшмаси, 32,4 мингдан орტიқ бошланғич ташкилотлар ўз сафига 5,1 миллион нафардан зиёд ишчи-ходимларни бирлаштирган.

Бироқ 1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун давр нуқтаи назаридан ўз вазифасини бажариб бўлган ҳамда замонавий меҳнат муносабатлари тизиминда ишчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларига эга эмас эди.

Шу сабабли “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламент Қонунчилик палатасига киритилди.

Лойиҳанинг замонавий меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш беврувчилар ва ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти жуда юқори. Шунинг учун унинг айнан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан

киритилиши — парламент аъзоларининг меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бефарқ эмаслигидан далолат.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг қонун ижодкорлиги жараёнларига фуқароларни кенг жалб қилиш, бу борада халқнинг фикрини ўрганиш мақсадида жамоатчилик ўртасида кўплаб муҳокамалар ташкил этилди.

Ўтказилган муҳокамалар яқунларига кўра, билдирилган тақлифлар синчиқлаб ўрганилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунига қўйилган талаблар асосида қонун лойиҳасига 150 дан орტიқ тегishли ўзгартиш ва тузатишлар киритилди. Матндаги 30 дан зиёд ҳаволаки нормалар чиқариб ташланди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун ло-

йиҳаси қатор янгиликларни ўзида акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Хусусан, қасаба уюшмаларини ташкил этиш, қайта ташкил қилиш ва улар фаолиятини тугатиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, устав ва рамазларга қўйилган талаблар қонуности ҳужжатлари билан тартибга солиб келинган бўлса, эндиликда мазкур тартиб-тамоийиллар қонун асосида амалга оширилди.

Шунингдек, янги қонун билан қасаба уюшмаларининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликка кўмаклашиш, меҳнат низоларини кўриб чиқишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, ходимларнинг манфаатларини муҳофазалаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш бўйича ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳасини маъқуллади ҳамда уни Сенатга юбориш ҳақида қуйи палатанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда парламент фракцияларида кенг муҳокама қилинди. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад — мамлакатимиз аҳолисининг даромад топишга қаратилган муайян фаолият билан шуғулланишга, оилавий тадбиркорлиқни кўллаб-қувватлаш, уни янада ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, бу

борада мавжуд тўсиқ ва говларни бартараф этиш, том маънода, оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратишдан иборат.

Этиборли жиҳати, ушбу қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилган. Фракциялараро баҳслар давомида депутатлар ушбу қонун лойиҳаси бўйича очиқ фикр-мулоҳаза билдириб, ўз қарашларини баён қилдилар.

Сохибжон ИСМОИЛОВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:

— Аввало, мазкур қонун лойиҳаси амалда нима беради, деган саволга жавоб излаш керак. Хусусан, лойиҳанинг 28-моддаси мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес вакиллари, умуман, тадбиркорлиқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб, энг асосийси, реал ҳаётда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг имконият яратади. Бошқача айтганда, лойиҳа, ҳеч

шубҳасиз, барча соҳада янги иш ўринлари ташкил этилишида муҳим ҳуқуқий омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, қўшимча равишда, ҳатто, Энергетика вазирлиги билан ҳам келишиб олинди. Шунинг учун амалдаги Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни партияимиз жуда муҳим, деб ҳисоблайди ҳамда уни иккинчи ўқишда кўллаб-қувватлайди.

Хайрулла ҒАҒҒОРОВ, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлари гуруҳи аъзоси:

— Тўғри, бу баҳсда ҳар бир партия ўз фикрини билдиришга ҳақли. Лекин гап миллий бойлигимиз, хусусан, табиий газ ҳақида борар экан, ушбу қонун лойиҳасини ҳар томонлама ўйлаб кўриш керак бўлади. Шу боис мен “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси билдирган фикрни кўллаб-қувватлайман. Бунга реал ҳаётда, масалан, нововойлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир кичик тадбиркорлар тандирларда нон ёпиш учун, асосан, табиий газдан фойдаланса, ўрта бизнес вакиллари чехларда турли хил нон маҳсулотларини тайёрлашмоқда.

Ана шундай шароитда бунга тартибга солиш керак бўлади. Сабаби халқимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари чекланган бўлиб, ундан оқилона фойдаланмаслик қутилган натижани бермайди. Бир нарсани унутмайлик, давлатимиз ҳис раҳбари бу борада инновацион ёндашиб, барча соҳада энергия тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиб, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратаётгани бежиз эмас.

Айни жиҳатдан қараганда, халқимизга наф келтирувчи “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги мазкур қонун лойиҳасини яна бир бор чуқур таҳлил қилиб, керак бўлса, экспертлар, ҳунарманду тадбиркорлар билан кенгашиб, бир қарорга келиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Юнус БҲООНОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

«Банкротлик» «тўловга қобилиятсизлик» атамаси билан алмаштирилмоқда

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан ҳар тарафлама муҳокама қилинди.

Лойиҳага асосан, Президентимизнинг “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юришти” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси” талабларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу билан бирга, тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси давлат активла-

рини бошқариш бўйича давлат органига аниқлик киритиш, хусусийлаштирилмаган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш имконини беради. Ундан ташқари, лойиҳа бир қатор қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни мустаҳкамлаш ва яхлитлигини таъминлашга қаратилган.

Қонун билан “банкротлик” атамаси умумжаҳон тажрибаси талабларига

мувофиқ “тўловга қобилиятсизлик” атамаси билан алмаштириляпти. Иқтисодий судга мурожаат қилиш асослари белгиланиши билан бирга, “Иқтисодий суднинг суд санациясини жорий этиш тўғрисидаги ажрими, қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш кўзгатишгунга қадавр тузилган шартномалар бажарилишини тўхтатишга ёки бош тортишга асос бўла олмайди”, деган норма билан тўлдирилмоқда.

Ўзаро тортишувлардан сўнг мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланди.

биркорлиқни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари соҳадаги кўллаб масалаларни ҳал қилишда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси юртимизда оилавий бизнесни ривожлантириш орқали халқимиз фаровонлиги ҳамда турмуш даражасини юксалтириш мақсадида ишлаб чиқилди. Унинг қабул қилиниши аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари кун

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЁЪМАТ

Ўзбекистон ҳар йили турли халқаро институтлар томонидан ўтказиладиган сўровлар ва тадқиқотлар натижаларига кўра, яшаш, туризм ҳамда бошқа йўналишларда дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари қаторидан жой олмоқда.

Бунга давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган одилона сиёсат, тақши ва ички ишлар тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар, тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг хотиржам яшашлари учун кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар билан изоҳлаш мумкин.

Ўз навбатида, диёримизда ҳукм сураётган осойишталик ички ишлар органлари ходимлари фаолияти билан ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, ушбу касб эгалари туну кун шу юрт тинчлиги йўлида хизмат қилишяпти.

Бундан уч йил аввал Президентимиз ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий тузилмага айлантириш вазифасини қўйиб, унинг ҳар бир ходими тимсолида юртимиз ўз ҳимоячисини кўриши лозимлигини таъкидлаган эди. Ҳўш, соҳа вакиллари томонидан ана шу вазифа қай даражада бажариляпти?

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юрт тинчлиги ва осойишталикни таъминлашдек масъулиятли вазифа юкланган. Шу нуқтаи назардан, тизимни ислох қилиш ҳамда замон талаби асосида такомиллаштириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши тарихий воқеа бўлди. Шу ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида соҳада мутлақо янги тизим шаклланди. Ички ишлар идораларини аҳолига ўз вақтида ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган професионал, халқчил тузилмага айлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар изчил давом эттириляпти.

Жамиятимизда “Қонун ва адолат — устувор”, “Жиноятга жазо муқаррар” деган муҳим тамойилларни таъминлашда асосий эътибор қуйи бўгини қўнайтиришга қаратилиб, маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга

таъсир кўрсата оладиган ихчам ва мобил тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш мақсадида олисда жойлашган аҳоли пунктларида 824 та таъин пункт очилди. Профилактика инспекторларининг сони 1552 нафарга кўпайиб, ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича 30 та бошқарма ва уларнинг 161 ички ишлар бўлими ташкил этилди.

Олиб борилаётган тадбирлар натижа-сида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 9 мингдан ортиқ маҳаллалардан 4518 та-сида жиноят умуман содир этилмади. Албатта, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси-ни амалга оширишда профилактика инспекторларининг ўрни катта. Улар томо-нидан 9,5 млн.дан ортиқ хонадонлар ўрга-нилиб, натижада 22 мингдан зиёд оила-ларнинг нотинччилигига барҳам берилди, 9 мингдан зиёд ёш оилалар ажрашиб кетишидан сақлаб қолинди.

Афсуски, содир этилаётган ҳуқуқбузар-лик ва жиноятлар ҳам йўқ эмас. Шу боис қуйи бўгинда кенг жамоатчилик, сектор раҳбарлари, жамоат ташкилотлари, про-филактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан ҳамкорликда содир этилган ҳар бир жиноят аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабабла-ри ва бунга имкон берган шарт-шароит-ларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгилаб борилмоқда. Бу бо-радаги ишлар “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда ёрдам беради.

Жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали усули

Сир эмас, кейинги йилларда “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз хонадон” каби тушунча-лар шиддат билан кириб келди. Бу ти-зимлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда кўл келмоқда.

Албатта, ҳеч бир янгилик осонликча изга тушиб кетмайди. Худди шундай ушбу концепцияларни татбиқ этишининг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Лекин бу борадаги иш қатъий тартиб ва бос-қичма-босқич амалга оширилаётгани боис ҳаммаси ўз ўрнида кетмоқда. Нима учун бундай тизимга ўтилди, деган савол туғилиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, жиноятларнинг асосий, яъни 70 фоизи кечки ва тунги вақтларда қайд этиляпти. Шунга эътибор-га олиб, давлатимиз раҳбарининг тегиш-ли қарори билан пойтахтимизда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали ва янгича тизими ҳаётга татбиқ этилди.

Унга кўра, дастлаб ўтган йилнинг июль ойидан Тошкент шаҳрида “Хавфсиз пой-тахт” концепцияси амалиётга жорий қилинди. Унинг доирасида жиноятларнинг оқибатларига эмас, балки уларнинг са-баблари ва асосий омилларига қарши ку-рашиш, яъни уларнинг барвақт про-филактикаси ўзининг ижобий самарасини берди. Шу боис бунга республикамизнинг барча ҳудудида босқичма-босқич кўллаш бўйича ИИБ ва вилоят ҳокимликларининг қўшма қарорлари қабул қилинган.

Энг муҳими, жойларда мазкур концеп-ция жорий этилиши белгиланган шаҳар-ларнинг маъмурий ҳудудлари тегишли жаовабгарлик кватдрларига тақсимланган ҳамда уларда ички ишлар органлари хо-димлари ва Миллий гвардия саф бўлин-малари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, жамоатчилик вакилларининг уч босқичли, аралаш тартибдаги 1974 та патруллик хиз-

мати йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда улар жамоат тартибини таъминлаш учун кечаю кундуз хизмат қилмоқда.

ИИБ маълумотларига қараганда, ўтган даврда жамоат тартибини таъминлаш қу-ларни томонидан 550 нафар қидирувдаги шахс ушланган ва жами 3017 та оғир ва ўта оғир турдаги жиноят қош этилган. Патруллик йўналишларида жами 417650 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳола-ти аниқланиб, қоралар қўрилиши ташкил-лаштирилган. Натижада эса тезкор ва тез-кор-профилактик йўналишдаги хизмат са-марадорлиги янада ошган. Шу сабабли ҳисобот даврида концепция жорий этил-ган ўтган уч ойда жиноят қидирув соҳа-сидаги жиноятлар — 33,5 фоиз, айниқса, жамоат жойларида содир этилган жино-ятлар — 34,0 фоиз ва қўчаларда содир этилган жиноятлар 30,2 фоиз камайган. Бунинг аҳамияти нақадар катта эканига ортиқча изоҳ шарт эмас, албатта.

Компьютерлаштирилган тизимга кирувчи чорраҳалар сони 400 тага кўпайтирилади

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъмин-лашда видеокамера, замонавий светофор ҳамда бошқа техник воситалардан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, со-дир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, қоидабузар-ликлар сонини камайтиришда айни муд-дао бўляпти.

2017 йилнинг 15 мартидан Тошкент шаҳрида жорий этилган “Йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизими” томонидан қайд этилган қоида-бузарликлар учун жаримага тортиш ме-ханизми ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу тизим пойтахтимизнинг транспорт воситалари оқими кўп бўлган 115 та чор-раҳани қамраб олган бўлиб, қоидабузар-ликларни автоматик тарада қайд этмоқда.

Мазкур тизим ишга туширилган кун-дан бошлаб, жорий йилнинг 1 октябри-га қадар 779071 қоидабузарлик қайд

этилган. Тизимнинг жорий этилиши пой-тахт кўчаларида қоидабузарликлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари сонин-инг камайишига ижобий таъсирини кўрсатди. Жўмладан, Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг ўтган 9 ойида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан 13,8 фоиз, унда ҳалок бўлганлар сони 27,4 фоиз, тан жароҳати олганлар сони 13,8 фоиз камайди.

Мана шундай компьютерлаштирилган тизим Нукус, Наманган, Андижон, Навоий ва Бухоро шаҳарларида ҳам жорий этил-ди. Ҳозирги кунда бунга яна бир қатор вилоят марказларида ҳам кўллаш чора-лари қўйилляпти. Қолаверса, Тошкент шаҳ-рида “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси доира-сида компьютерлаштирилган тизимга ки-рувчи чорраҳалар сонини 400 тага кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда.

ИИБ маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, автоматлашган тизимлар томо-нидан аниқланаётган қоидабузарликлар сонини кун сайин ортиб бормоқда. Мисол учун, 2018 йилнинг 9 ойида автомат-лаштирилган тизимлар томонидан 599431 қоидабузарлик қайд этилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 893995 тани ташкил этди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш — устувор вазифа

Яна бир муҳим масала, мамлакатимиз-да аёлларнинг жамиятдаги ўрни кенга-йиб, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси каби масалаларни ўрганиш, хотин-қизлар билан боғлиқ турли салбий оқибатларнинг олдини олиш ишларига эътибор тобора қўнайиб бормоқда. Бу ишларда ҳам ички ишлар ходимлари ташаббускор бўлиши лозим.

Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик-нинг олдини олиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишлар самарадорлигини қу-

чайтириш мақсадида ички ишлар орган-лари тизимида хотин-қизлар билан иш-лаш масалалари бўйича 360 та инспек-тор штати жорий этилди.

Улар зиммасига Хотин-қизлар кўмита-си, “Оила” илмий-амалий тадқиқот мар-кази, маҳалла фаоллари, ҳамкор ташки-лот ва идоралар билан биргаликда аёл-ларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қо-нуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир хотин-қизга ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини қўриш вазифалари юк-латилди.

Таҳлилларга кўра, ҳамкорликдаги тад-бирлар давомида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида хотин-қизлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар 33,8 фоиз (4361 тадан 2886 тага), жино-ятда иштирок этган хотин-қизлар сони 33,3 фоиз (4882 нафардан 3254 нафарга) камайишига эришилди. Шунингдек, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шахсини тас-диқловчи ҳужжатларини қайта тиклаш иш-ларида ҳам амалий ёрдам кўрсатишди.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга ет-казиш ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта орсусидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ички ишлар органларида ма-зкур йўналишда қабул қилинаётган про-филактик тусдаги дастурларда ана шу улуғвор мақсадни амалга оширишга доир чора-тадбирлар аниқ қилиб белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Хусусан, амалга оширилган профилак-тик тадбирлар натижасида ёшлар томо-нидан содир этилган жиноятлар ўтган йил-нинг шу давридагига нисбатан 37,9 фоиз (9925 тадан 6163 тага), жиноятда иштирок этган ёшлар сони 23,4 фоиз (12079 на-фардан 9248 нафарга) камайишига эришилди.

Жиноятлар камайгани яхши, аммо уларнинг биттиси ҳам жиноят-да. Келгу-сида ҳуқуқбузарликларни кескин камай-тириш, имкони бўлса, бутунлай олдини олиш устида бош қотириш керак. Бунинг учун барча шароит яратилган, фақат та-шаббус кўрсатиб, виждонан хизмат қилиш лозим, холос.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ маълумотлари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган тарихий сананинг ўттиз йиллиги мамлакатимизда мисли кўрилмаган кўлам ва кўркам бир тарзда кенг нишонланмоқда. Ўзбек тилининг бу улкан тўйига тадорик ва уни умумхалқ байрами, халқ сайилларидай тантана қилишнинг тарху тамойиллари Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аниқ ва муносиб чизиб берилди. Тилимизнинг ўз ҳаққоний ва қонуний рутбаси — давлат тили мақомига ноил бўлган тарихий кунни шарафлаш бутун халқимизнинг кўнглини осмон қилди.

Муносабат

Миллий ўзлгимиз, маънавиятимиз ва давлатчилигимизнинг замини бўлган ўзбек тилининг муборак санасини тўй-тўйлашнинг бош анжумани дунёнинг манамен деган замонавий кентлари билан бўйлашаётган пойтахтимиздаги “Тошкент Сити” халқаро ишбилармонлик марказининг куриб битказилган илк иншоотларидан бири — Халқаро Конгресс марказида бўлиб ўтди. Бундай улкан издиҳомнинг мақсуд марказда ўтказилишида ҳам чуқур рамзий мазмун-моҳият мавжуд. Қадимни замон билан, аҳдодни авлод билан боғлаган кўҳна ва навқирон тилимизнинг нуфузу мавқеи, тараққиёти тақомили, бу борадаги режалар ҳақидаги машварат қадимий аънава ва замонавий шиддатни ўзда уйғунлаштирган муҳташам саройда тўпланди.

Бу анжуманда давлатимиз раҳбари бениҳоя мазмундор ва маҳсулдор нутқ сўзлади. Бу нутқни тилимизнинг бугуни ва эртаси учун қилиниши лозим бўлган барча долзарб ишларни жадал амалга ошириш бўйича яхлит қўлланма, кўрсатмалар мажмуи, дейиш мумкин. Президентимиз ўз нутқида ғоят асосли равишда таъкидлаганидек, бугун жонажон Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Айни пайтда шуни ҳам ҳеч муболағасиз айтиш жоизки, бугун давлат тилининг тараққиёти, унинг нуфузини ошириш, унга теран муҳаббат ва эҳтиромни шакллантириш борасида ҳам тамомила янги босқич бошланди, сўз ва иш бирлиги тамойили рост ўзанларда намоён бўла бошламоқда.

Давлатимиз раҳбари тилимиз томирларини қўлида тутиб, унинг дарду оғриқларига малҳам топлмоқда, қаддини озод кўтариши ва эмин-эркин ҳаракати учун мадад бериш йўлларини кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг миллий юксалишдаги улук ва эзгу мақсадларга эришувда она тили — давлат тили беназир таянчдир. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз ўз нутқида

давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарурлигини алоҳида уқтирдилар.

Тилимизнинг бойлиги, гўзаллиги дунё ақлининг ақсариятига ҳайрат бармоғини тишлатган. Президентимиз бу борада жуда катта мамнуният ва ифтихор билан шундай дедилар: “Қимда-қим ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик достонларимизни, ўлмас мақолларимизни эшитсин, баҳши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқлорига қулоқ тўтсин.” Давлатимиз раҳборининг қуйдаги дэвотини барчамиз ҳар сонияда ёдда тутишимиз зарур: “...ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қорашни ҳоётиимиз қондасига айлантиришимиз лозим”. Бу ҳаққоний дэвот жамиятимизнинг ҳар бир оъосининг нофакат қўлоғида, балки қалбида мунтазам жаранглаб туриши, юртимизнинг ҳар бир фарзанди она шу дэвотга мувофиқ савй-ҳаракат кўрсатмоғи зарур.

Президентимиз 21 октябрь куни “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди. Мазкур чинакам тарихий ва айни пайтда тилимиз табарруқлигини таъмин этадиган ҳужжатда бу борадаги ишларимизни тубдан янги ўзанларга солиб юбарадиган, кенг жамоатчиликни ташвишлантириб келаётган кўллаб иштибоҳларга барҳам берадиган кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Фармонга кўра, 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами куни” деб эълон қилинди, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилди, бу департаментнинг

асосий вазифалари белги-ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши эътиш, 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган

ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Маълумки, тил — миллатнинг, халқнинг ҳамияти, давлат тили — давлатнинг ҳамияти. Ҳамият ҳамиша ҳифзу ҳимоя қилинадиган, қўриқланадиган тушунча. Давлатимиз раҳбари томонидан давлат тили борасида айtilган доғишмандона фикрларда, имзоланган Фармонда ана шундай нозик туйғу — ҳамият эъзоси, миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимизнинг муқаддас тимсоли бўлмиш тилимиз эҳтиром ҳаққоний шаклларида ўз тажассуфини топаган.

Давлатимиз раҳбари айтганидай, глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг соғлигини сақлаш, унинг лугат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча мўкобиллини яратиш, уларнинг бир хил қўланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди. Бу долзарб вазифаларни бажаришда мамлакатимиз филологлари, хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти олимлари янада фаоллик кўрсатадилар, тилимиз равнақи йўлидаги илмий изланишларини янада кучайтирадилар.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
Ўз ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор.

Саёҳат қилиш учун энг яхши минтақа

Австралиянинг “Lonely Planet” нашри саёҳат қилиш учун энг мақбул йўналишлар бўйича “Best in Travel” рейтингини тақдим этди. Рўйхат 4 та категорияда — энг яхши 10 та минтақа, 10 та мамлакат, 10 та шаҳар ҳамда 10 та маъқул таклиф йўналишларида тузилди.

Туризм

Энг яхши 10 та минтақа йўналиши бўйича Марказий Осиё минтақаси биринчи ўринни кўлга киритди. Нашр бу ердаги Ўзбекистон, Қир-



ғизистон ва Тожикистонга боришни тавсия қилмоқда.

“Минтақа яна сайёҳларнинг қизиқиш марказига айланмоқда. Қадимий шаҳарлар, гав-

жум бозорлар ҳамда аслича сақланиб қолаётган табиат кўпроқ сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда”, дейилади “Lonely Planet” хабарида.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА ЮРТИМИЗ ВАКИЛИ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган “The Planet of ART — 2019” халқаро болалар санъат фестивалида “Марварид” болалар студияси тарбияланувчиси Шоҳрузбек Эргашев вокал йўналишида Олмаота эстрада симфоник оркестри ҳамроҳлигида жонли ижрода қуйлаб, юртимиз шарафини ҳимоя қилди ва Қозоғистон миллий ЮНЕСКО федерация клуби президентининг махсус совғасини кўлга киритди.

Ушбу фестивалда Россия ва Ўрта Осиё давлатларидан 12 ёшдан 17 ёшгача бўлган 3500 дан ортиқ иқтидорли болалар вокал, чолғу асбобларида қуйлаш ва хореография йўналишларида 3 босқичда иштирок этди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ХУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 263/2018-08-сонли шартномага асосан <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 1, 4, 6 ноябрь** кунлари ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Сурхондарё вилояти бошқармасининг қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	И/ч йили	Давлат рақами	Умумий босиб ўтган масофа	Баҳоланган нархи	Сотувга чиқарилгани	
						Лот номери	Ўйин санаси
1.	«ГБА СПГ Nexia GLE»	2007	75 291 DAA	442886	20 410 714,0	0130551	06.11.2019
2.	«ГБА СПГ Nexia Dons GLE»	2004	75 397 DAA	496 246	21 661 500,0	0130552	06.11.2019
3.	«Chevrolet Lacetti» 1,8 МКПП	2010	75 345 MAA	312 325	39 707 298,0	0130553	06.11.2019
4.	«УАЗ 31514012»	2006	75 758 AAA	276 594	15 255 594,0	0130037	04.11.2019
5.	«УАЗ 3909»	2001	75 759 AAA	552 731	12 157 875,0	0130554	06.11.2019
6.	«УАЗ 31514012»	2008	75 779 AAA	220 383	17 434 965,0	0130041	04.11.2019
7.	«ГАЗ 2705-242»	2008	75 128 OAA	604 525	21 679 869,0	0130555	06.11.2019
8.	«Damas»	2005	75 764 AAA	321 693	19 964 363,0	0130556	06.11.2019
9.	«Daewoo Nexia»	2001	75 205 CAA	624 573	16 130 450,0	0130557	06.11.2019
10.	«УАЗ-31514»	2001	75 083 CAA	355 460	11 757 822,0	0130043	04.11.2019
11.	«УАЗ-31514»	2001	75 093 CAA	591 171	11 757 822,0	0130045	04.11.2019
12.	«УАЗ-31514012»	2006	75 092 CAA	418 041	15 255 594,0	0129863	01.11.2019
13.	«Damas»	2002	75 294 AAA	398 027	17 457 359,0	0130558	06.11.2019
14.	«Daewoo Nexia SOHC»	2000	75 778 AAA	1 007 421	13 826 100,0	0130559	06.11.2019
15.	«УАЗ 31514»	2001	75 082 CAA	499 584	11 757 822,0	0130046	04.11.2019
16.	«УАЗ 3909»	2001	75 618 OAA	252 926	12 157 875,0	0130047	04.11.2019
17.	«Damas»	2002	75 068 CAA	374 998	14 963 450,0	0130560	06.11.2019
18.	«УАЗ-315142017»	2003	75 293 AAA	318 344	11 757 822,0	0130048	04.11.2019
19.	«УАЗ-31514012»	2005	75 119 CAA	319 187	15 255 594,0	0129864	01.11.2019
20.	«УАЗ-31514012»	2006	75 115 CAA	268 893	15 255 594,0	0129865	01.11.2019
21.	«УАЗ-315142017»	2003	75 098 CAA	334 966	11 757 822,0	0129866	01.11.2019
22.	«УАЗ-31514»	2001	75 117 CAA	644 762	11 757 822,0	0129867	01.11.2019
23.	«УАЗ-31514012»	2005	75 099 CAA	483 149	15 255 594,0	0129869	01.11.2019
24.	«УАЗ-315142017»	2003	75 118 CAA	670 392	10 288 094,0	0129868	01.11.2019
25.	«УАЗ-31514»	2001	75 120 CAA	440 650	11 757 822,0	0129870	01.11.2019
26.	«УАЗ 31514012»	2006	75 052 CAA	429 442	15 255 594,0	0129871	01.11.2019
27.	«УАЗ 31514»	2001	75 041 CAA	449 424	10 288 094,0	0130049	01.11.2019
28.	«УАЗ-31514012»	2006	75 043 CAA	324 509	15 255 594,0	0129872	01.11.2019
29.	«УАЗ 3909»	2001	75 296 AAA	640 005	12 157 875,0	0130561	06.11.2019
30.	«УАЗ-315142017»	2003	75 063 CAA	438 991	10 288 094,0	0130050	04.11.2019
31.	«УАЗ 39091»	2001	75 041 EAA	596 893	12 157 875,0	0130051	04.11.2019
32.	«УАЗ-315142017»	2003	75 042 CAA	534 725	10 288 094,0	0130052	04.11.2019
33.	«УАЗ 31514»	2001	75 723 OAA	299 947	10 288 094,0	0130053	04.11.2019
34.	«УАЗ-315142017»	2009	75 203 DAA	179 806	17 434 965,0	0130054	04.11.2019

Автотранспорт воситалари сақланаётган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Дехоти кўчаси, 12-уй.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)

2019/2020 ўқув йили учун қуйдаги кафедраларнинг вакант жойларига танлов эълон қилади:

- Ирригация ва мелиорация кафедраси: кафедра мудири.
- Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси: кафедра мудири, доцент.
- Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш кафедраси: доцент.
- Гидромелиоратив ишларини механизациялаш кафедраси: кафедра мудири.
- Геодезия ва геоинформатика кафедраси: кафедра мудири.
- Иқтисодиёт кафедраси: профессор.
- Олий математика кафедраси: катта ўқитувчи.
- Қишлоқ хўжалиги машиналари: доцент.
- Экологик геоахборот тизимлар маркази: доцент.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙДАГИ ҲУЖАТЛАР ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ариза (ректор номига);
- шахсий варақа (сўровнома);
- 2 дона 3x4 см. ўлчамдаги фотосурат;
- илмий ва услубий ишлар рўйхати (иш жойидан тасдиқланган шаклда);
- дипломлардан нусхалар;
- малака оширганлиги тўғрисида сертификат нусхалари (охирги 5 йиллик);
- паспорт нусхаси.

Аризалар матбуотда эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатгача қабул қилинади.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Қори-Нийзий кўчаси, 39-уйда жойлашган ТИҚХММИнинг ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-237-19-49, 71-237-09-85.

905/

Ушбу жойда Сизнинг рекламangиз бўлиши мумкин эди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реклама
бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.10 Топширилди — 02.30

1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов,
Мусахҳиш — С. Исмолов.